Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 12-mart, seshanba № 29 (3222)

# Имкониятлар кенгаймоқда







**Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган кимё саноатида корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, уларга замонавий, тежамкор ускуналарни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички ва ташқи бозорга узлуксиз равишда сифатли маҳсулотлар етказиш имконини бераяпти.**

Бундай юксак самарадорлик Тошкент вилоятидаги «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти фаолиятида яққол кўзга ташланади.

Мазкур корхонанинг бир нечта цехида кенг кўламли модернизациялаш ишлари бажарилди. Хусусан, карбамид ишлаб чиқариш цехида интеллектуал электрон назорат-ўлчов қурилмалари ўрнатилди. Сув инжекторлари, буғлатгичлар, сепараторлар, тозалаш иншооти ускуналари замонавий талабларга мослаштирилди. Шунингдек, корхонани доимий электр энергияси билан таъминлаш мақсадида юқори кучланишли трансформаторлар махсус тежамкор ускуналар билан жиҳозланди.

— Корхонамизда бундай катта ҳажмдаги истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 29 июлдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда, — дейди жамиятнинг бош муҳандиси Иброҳим Умаров.

Корхонада ёш, малакали мутахассислар шакллантирилаётир. Жамиятда тизимга мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасаларидан ташқари, Чирчиқ шаҳридаги саноат йўналишига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи билан «Коллеж — корхона» тамойили асосида ҳамкорлик ўрнатилгани, биргина ўтган йилнинг ўзида корхонага 157 нафар битирувчи ишга қабул қилингани фикримизни тасдиқлайди.

— Бу жамоа менга шаҳримиздаги саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқиётганимдаёқ қадрдон бўлиб қолган эди, — дейди аммиак цехи оператори Зиёвуддин Собиржонов. — Чунки ўқиш мобайнида бир гуруҳ тенгдошларим билан ишлаб чиқариш амалиётини айнан шу ерда ўтадим. Бундай катта жамоанинг тўлақонли аъзоси бўлишни жуда-жуда истаган эдим. Мана, ниҳоят, орзуимга эришдим. Ҳозир цехимиздаги тажрибали мутахассислардан кўп нарсаларни ўрганаяпман.

Ҳадемай, Зиёвуддиннинг сафдошлари яна кўпаяди. Боиси, корхонада жорий йилда коллеж битирувчиларининг яна 150 нафари учун иш жойлари ташкил этилмоқда.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

---

Учрашув

***Мамлакат Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши мудофаа бўлимлари, ҳарбий қисмлардаги шарт-шароит билан яқиндан танишиб, аскарларнинг қай даражада малака ҳосил қилаётганларига шоҳид бўлмоқда. Шундай тадбирлардан бири — юзма-юз учрашув Самарқанд шаҳридаги Н-ҳарбий қисмда ўтказилди. Ҳарбий қисм бошланғич касаба уюшма ташкилоти ва аскарлар томонидан ташкил этилган баҳор рамзи ва кўрки бўлмиш сумалак тадбири барчага бирдек манзур бўлди.***

## ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши аъзоси Танзила Нарбаева аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишди. Ҳарбийларга хос шинам ётоқхона, ошхона, ўқув-амалиёт, маънавият-маърифат, ҳарбий технологиялар машғулоти хоналаридаги шароитлар кўзни қувонтиради.

— Сизларнинг шарафли, айни чоғда масъулиятли вазифаларни бекаму кўст адо этишингиз, соғлом ва баркамол бўлишингиз учун барча имкониятлар яратилган, — деди ЎзКУФК раиси ҳарбий қисм маданият саройида уюштирилган мулоқот чоғида. — Бугун армия сафига муносибларнинг ҳам энг муносиби саралаб олинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Юрт осойишталигига барча ёшларнинг шайлиги қалбимизни ғурурга тўлдиради.

— Ота-акаларимиз айтиб берган армия хизматидан бу ердаги хизмат тубдан фарқ қилади, — деди Чирчиқ шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Элёрбек Абдумаликов. — Қисмимиздаги самимий ва жанговар муҳит руҳиятимизни тамомила чулғаб олди. Эндигина ҳарбийлар ҳаётига кўника бошлаган бўлсак-да, эртанги ҳаёт йўлимни белгилаб олдим.

Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Рустамова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ботир Бобоев аскарларнинг бундан кейинги шарафли ишларида ютуқлар тилади. Ҳарбий қисм касаба уюшма етакчиси Матлуба Холмуҳаммедова барча иштирокчиларга миннатдорчилик билдирди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

Давра суҳбати

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

***«Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси, иқтисодиёт, молия, соғлиқни сақлаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, Омбудсманнинг вилоят вакили, адлия ва банк бошқармалари, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.***

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ғулом Сафаров олиб борди.

Таъкидландики, Бош келишув барча бўғинлардаги касаба уюшма ташкилотларига ҳудудий, тармоқ келишувлари ҳамда энг қуйи бўғинда амалда қўлланилаётган жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини бойитиш ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада кучли ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 1 та ҳудудий келишув, вилоят миқёсидаги 14 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, корхона ва ташкилотларда эса 5889 та жамоа шартномалари амал қилмоқда. Аъзолар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 99,6 фоизи ва уларда ишловчи 258319 нафар ходим жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Ходимлар иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратилаётган кўплаб имтиёз ҳамда кафолатлардан фойдаланишмоқда. Масалан, ўтган йилда тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари асосида 66610 нафар кам таъминланган оила вакилларига 392,4 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 10 млрд. 301 млн. сўм харажат қилинган. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятда ижтимоий шерикликнинг бошқа йўналишлари ҳам вужудга келаяпти. Бирлашма кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг масъул ташкилотчилари вилоят ҳокимлиги қошида тузилган турли комиссияларда, хўжалик органларининг ҳайъатларида аъзо сифатида қатнашмоқда. Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларининг ўтган йилда бажарилишини кўриб чиқиш жараёнида касаба уюшма аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар тегишли идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиляпти.

Тадбирда сўз олганлар аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, пенсия ва иш ҳақлари тўлови, уч томонлама шартномалар ижроси каби қатор масалалар хусусида ҳам алоҳида тўхталди.

Давра суҳбатида ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Д.Тўйчиев сўзга чиқди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

***Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда жаҳоншумул ютуқлар қўлга киритилди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш орқали адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш сари изчил қадамлар қўйилди. Давлат ва жамоат ташкилотларининг ушбу мақсад йўлидаги якдиллиги, айниқса, қувонарли ҳолдир.***

## ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув ва шу асосда тузилган ҳудудий келишувлар меҳнаткашлар манфаатларини таъминлаш, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Қорақалпоқ давлат университети Маънавият марказида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳудудий давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, касаба уюшмалари фаоллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ҳудудий келишувда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилиши муҳокама қилинди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Х. Ермагамбетовнинг таъкидлашича, аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларнинг дам олиш, даволаниш ва ижтимоий муҳофазаланиш муаммоларини ҳал қилишда 1 та ҳудудий, 24 та тармоқ келишувлари асосида тузилган 2066 жамоа шартномаси катта аҳамият касб этмоқда. Энг муҳим жиҳат шундан иборатки, республикада юридик шахслар ва уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг жамоа шартномалари билан қамраб олиниши 92 фоизни ташкил этади.

***(Давоми 2-саҳифада).***

---

Аёлга эҳтиром

## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР

***Оила тотувлиги ва фаровонлигида, жамият тараққиётида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган аёлларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб кўплаб тадбирлар ўтказилди. Унда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари фаол иштирок этишди.***

Жумладан, касаба уюшмалари томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Ушбу айём барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида кенг нишонланди ва қутлуғ санага бағишлаб кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Чунончи, мамлакатимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда «Обод юртнинг бекалари», «Дунёда энг азиз сиймодир, аёл», «Аёлга эҳтиром», «Муқаддассан, аёл», «Аёл борки, олам мунаввар», «Аёл — обод турмуш таянчи» номли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Унда ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ислоҳотларни кенг тарғиб этиш, давлат ва нодавлат секторда меҳнат қилаётган, Ватанимиз тараққиёти, турмушимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда, оилани мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшаётган хотин-қизларни шарафлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Тадбирларга корхона, ташкилот ва муассасаларда узоқ йиллар меҳнат қилган аёллар ва фахрий онахонлар таклиф этилди.

Яна бир қувонарли томони, меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган аёллар ҳамда олий таълим муассасалари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари талаба қизлари ўртасида «Лобар қизлар баҳси», «Етти гўзал», «Балли, қизлар», «Санамлар сарвари», «Эпли келин — сепли келин», «Нафосат маликаси», «Заводнинг лобар қизлари» кўрик-танловлари ташкил этилиб, иштирокчилар касаба уюшмалари томонидан (12,4 млн. сўм) рағбатлантирилди.

Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида байрам арафасида турли спорт тадбирлари ва мусобақалар ташкил этилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ўтказилган волейбол, шахмат, шашка, дартс, стол тенниси бўйича мусобақалар ғолиблари 8,5 млн. сўмлик эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият юритаётган, фермер ва тадбиркорлик, касаначилик ва уй меҳнати билан юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган илғор ва фаол хотин-қизлар касаба уюшмалари томонидан 194,8 млн. сўмлик эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизлар, хусусан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди ва уларга 203,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Эътиборли жиҳати, эҳтиёжманд оилалар вакиллари бўлган аёлларни моддий қўллаб-қувватлаш учун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали касаба уюшмаларидан 19,1 млн. сўм, иш берувчилар маблағидан 23,4 млн. сўм йўналтирилди.

Жамият тараққиётига қўшилган ҳисса ҳеч қачон унутилмайди. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган 12 нафар фахрий, 34 нафар фаол аёл маънавий ва моддий рағбатлантирилди.

Бир сўз билан айтганда, байрам муносабати билан касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 447,1 млн. сўм сарфланди. Ушбу кўрсаткич энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмаларининг юртимиз хотин-қизларига бўлган чексиз эътиборидан далолатдир.

**Ўз мухбиримиз**

---

## Янгиликлар оқимидан

### АНДИЖОН

***Баҳорнинг илк айёми — Халқаро хотин-қизлар байрами Андижонда кенг нишонланди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.***

#### КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ УЛАШИБ

Вилоятдаги 321 та корхона, 549 та ташкилот ва муассаса, 4 та олий ва 118 та ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилган тадбирларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этди. Ишлаб чиқариш илғорлари, таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаоллар шарафланиб, ўқув муассасаларидаги энг намунали талаба ёшлар, нодавлат сектори ва қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат қилаётган 6422 нафар аёл рағбатлантирилди.

— Байрамга бағишланиб ташкил этилган 200 дан зиёд маданий-маърифий ва спорт тадбирлари хотин-қизларга кўтаринки кайфият улашди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Қ.Ризаев. — Ғолиблар касаба уюшмаси томонидан муносиб тақдирланди.

Шунингдек, 2545 нафар меҳнат фахрийси, кам таъминланган, кўп болали аёллар хонадонига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Миллий қадриятларимиз рамзи Наврўзи оламга ҳам катта тараддуд кўрилмоқда. Зеро, обод ва озод юртга байрамлар ярашади.

**Ўз мухбиримиз**

### ЖИЗЗАХ

***«Зенаткор темир-бетон буюмлари» МЧЖ буюртмачилар талабидан келиб чиқиб, маҳсулотлар турини ўн бештага етказди. Ўтган йили корхонада 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.***

#### МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

— Жамоамизда 65 киши меҳнат қилади, — дейди корхона раҳбари Адҳам Раҳмонқулов. — Уларга етарлича меҳнат ҳамда дам олиш шароитлари яратганмиз. Шунинг учун ҳам иш унумдорлиги ортиб бораётир.

Мазкур корхона вилоят қурилиш иншоотлари учун зарур бўлган темир-бетон маҳсулотларининг етмиш фоизини етказиб бераяпти.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### САМАРҚАНД

***Фермер — қишлоқ мулкдори. Бугунги кунда у нафақат деҳқончиликдан, балки фаолият қирраларини кенгайтиршидан ҳам манфаат кўрмоқда.***

#### ТАШАББУС

Нарпай туманидаги «Салим бобо» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Рустамов 63 гектар майдондан келаётган даромадни оқилона сарфлашга интиляпти. Тадбиркор фермер ташаббуси билан ҳудудда сервис ва маиший хизмат мажмуаси қурилиши поёнига етказилаётир. Йигирма иш ўрни яратилиши кўзда тутилган корхонага Хитой технологиясига асосланган асбоб-анжомлар келтириб қўйилди.

**Ўз мухбиримиз**

### СУРХОНДАРЁ

***Шўрчи туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун II-типга мансуб 150 ўринли, барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли бино фойдаланишга топширилди. Уни Феруза Сафарова раҳбарлигидаги «Ғавҳар Нур» МЧЖ қурувчилари бунёд этди.***

#### КЕНГ, ЁРУҒ

— Ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли янги бинога эга бўлдик, — дейди мактаб раҳбари Саодат Муротова. — Хоналар кенг ва ёруғ, кўрган кўз қувонади. Бундай меҳр-оқибатга жавобан янада самарали меҳнат қиламиз, албатта.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2013-yil 12-mart № 29 (3222)

Намунали ташкилотларда





# ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

***Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси ҳудуддаги намунали бошланғич ташкилот ҳисобланади. Қарангки, ниятимиз ижобат бўлиб, мазкур мактабга борганимизда бу ерда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашига қарашли бошланғич ташкилотларнинг иш фаолияти бўйича ўтказилаётган ўқув-семинар устидан чиқдик. Машғулот жараёнида касаба уюшма етакчилари долзарб мавзуларда маърузалар тинглаб, малака ошириш имконига эга бўлишди.***

Таълим муассасасида 130 дан зиёд фидойи устоз келажагимиз эгаларига таълим-тарбия бераётир. Ходимлар манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Қўмита хонаси дид билан жиҳозланган. Ҳар бир ҳужжат ва бошқа кўргазмали буюмлар тартиб билан жойлаштирилган. Қолаверса, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва дам олишига эътибор мунтазам ошиб бораётир.

Дарвоқе, мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан аёллар ўртасида анъанавий спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад эса спортни оммалаштириш орқали соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёт тарзига айлантириш.

— Мактабимиздан фан олимпиадалари ва турли танловлар совриндорлари етишиб чиққан. Шоҳиста Тўғанова, Севара Умарова, Хосият Жўраева сингари интилувчан, ўз устида тинимсиз ишлайдиган вакилларимиз шулар жумласидандир, — дейди касабақўм раиси Умида Нурматова. — Бундан ташқари, ходимлар ўртасида турли маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларига эътиборни кучайтирмоқдамиз. Юқори ва бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида ташкил этилган «Соғлом турмуш — жамият таянчи» мавзуидаги спорт беллашуви ҳам бунга бир мисол. Бу каби тадбирларни нафақат ўқитувчилар, нафақадаги фахрий ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида уюштириш ҳам анъана тусини олган.

Ходимларнинг мазмунли дам олиши ва соғлигини тиклаш касаба уюшмасининг асосий йўналишларидан биридир. «Чимган», «Сўқоқ» ва «Оқтош» санаторийларида ҳордиқ чиқарган ходимларимиз бугун катта куч ва ғайрат билан фаолият юритмоқда. Шунингдек, бир гуруҳ ходимлар мамлакатимизнинг қадимий ва зиёратгоҳ жойларига саёҳатга олиб борилди.

Мактабда меҳнат муҳофазасига оид шарт-шароит ва имкониятлар талаб даражасида.

Маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномаси меъёрий ҳужжатлар ва ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, жумладан, ҳақ тўлаш, қўшимча имтиёзлар яратиш, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси каби масалалар ўз аксини топган. Директор фондидан фаол ўқитувчиларнинг ишига қараб мукофот пуллари, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш ўқитувчи ва ходимларга касаба уюшма қўмитаси тавсияси билан моддий ёрдам берилмоқда.

Қолаверса, ўтган йили ёзги соғломлаштириш мавсумида бир гуруҳ ўқитувчига даволаниш масканларига йўлланмалар ҳамда уларнинг фарзандларига сузиш ҳавзаларига чипталар тарқатилганини таъкидлаш жоиз.

Маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш касаба уюшмаси фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Турли байрам тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилиб, бундан ташқари, театр томошалари ва байрамларга чипталар берилаяпти.

Ёш ўқитувчилар тажрибали устозларга бириктирилган. Кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган, ўз ишини сидқидилдан бажараётган ўқитувчиларнинг намунали ишлари оммалаштирилаётир. Шунингдек, мактабда самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийлар ҳолидан хабар олиб, байрам тадбирларига таклиф этиш анъанага айланган.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

Аъзолик афзалликларини асослаш

***Бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири, бу нодавлат сектори тизимидаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда касаба уюшма ташкилотини тузишдир. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ташкилий бўлим етакчи мутахассиси Гулбаҳор Абдуллаева билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.***

# САФИМИЗНИНГ КЕНГАЙИШИ

## саъй-ҳаракатларимиз самарадорлигига боғлиқ

— Мулкчиликнинг қайси жабҳасида меҳнат қилмасин, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини йўлга қўйиш ташкилотимизнинг асосий фаолият йўналиши, янаям тўғрироғи, виждоний бурчига айланмоғи керак, — деди Г. Абдуллаева. — Сўнгги маълумотларга кўра, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 40 минг 200 дан зиёд ташкилотнинг 12 мингдан ортиғини нодавлат секторидаги корхона, хўжалик ҳамда муассасалар ташкил этади. Ҳозирги вақтда айнан шу жойларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш учун барча имкониятлар сафарбар этилган. Иш манфаатидан келиб чиқиб вилоятимиз 6 та ҳудудга бўлинди. Уларнинг ҳар бирига масъул ходимлар бириктирилди. Ангрен шаҳрида 1197 та, Олмалиқ шаҳрида 767 та, Оҳангарон туманида эса 2401 та нодавлат сектори тизимидаги корхоналар фаолият кўрсатаётир ва биз уларни ўз хизматимизга олиш учун корхона раҳбарлари ҳамда жамоаси билан мунтазам равишда мулоқотлар уюштиряпмиз. Суҳбат асноси касаба уюшма ташкилоти имтиёзлари ҳақида тушунча берилаяпти.

**— Тарғибот-ташвиқот ишлари яхши, албатта. Лекин нодавлат ташкилотларига ёндашувда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?**

— Бунинг учун, аввало, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, шу жумладан, жойларда ўтказилаётган турли тадбирларнинг самарадорлигини ошириш зарур. Буни одамлар кўрсин, эшитсин, юрак-юракдан ҳис қилсин. Ҳамма гап фаолиятимиз ҳақида етарлича маълумот бериш.

Ахир ташкилотимизда меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш, уларнинг маънавиятларини юксалтириш ҳамда оммавий спортни йўлга қўйишда жуда катта тажриба тўпланган-ку! Шу нарсаларни барча жойларда ва барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этсак, бас!

Яна бир масала шундан иборатки, ишнинг кўзини биладиган, бой ҳаётий тажрибага эга, ташаббускор кишиларни етакчиликка сайлашимиз зарур. Бундай шахсларни излаб топиш ва улар мисолида бошқаларни жалб этиш энг асосий вазифаларимиздан.

**— Шу кунгача нодавлат ташкилотларида қанча бошланғич ташкилот тузилди?**

— Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра,157 та нодавлат секторидаги корхонада бошланғич ташкилот тузилиб, 4484 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига олинди. Бирлашма кенгаши Раёсат йиғилишларида мавжуд аҳвол муттасил таҳлил этиб борилаётир.

Бошланғич тузилган ҳар бир ташкилотга бирлашма кенгашининг нодавлат секторига қарашли хўжалик субъектининг касаба уюшмаси хизматига олинганлигини тасдиқловчи сертификат берилмоқда. Бирлашма кенгашида эса айнан шу корхона ҳақида картотека мавжуд бўлиб, бу янгилик энди иш бошлаган касаба уюшма ташкилотлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашни осонлаштирмоқда.

**— Ташаббуснинг қаноти бўлади, дейишади...**

— Бу ишимизнинг бошланиши холос. Самарадорлик нуқтаи назаридан вилоят статистика бошқармаси билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Ушбу йўналишда вилоят ҳокимлиги ҳам ёрдамини аямаяпти. Тошкент вилоят ҳокимлиги, бирлашма кенгаши ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан имзоланган 2012 - 2014 йилларга мўлжалланган ҳудудий келишувга кўра, ҳокимлик бизга нодавлат секторида касаба уюшма ташкилоти тузишда ёрдам кўрсатмоқда.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон тумани кенгаши томонидан «Анҳор» масъулияти чекланган жамиятида касаба уюшма ташкилоти тузилди. Ушбу тумандаги «Маржон Нилу Барака» хусусий корхонасида ҳам бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

**— Янги тузилган ташкилотлар тезроқ оёққа туриб олиши учун қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Масъул ходимларимиз айнан шу жойларда бўлиб, турли услубий тавсиялар беришмоқда. Масалан, жамоа шартномалари тузиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маънавий тадбирлар, ҳуқуқий муҳофазалаш борасидаги йўл-йўриқлар уларнинг фаолиятида ўз ифодасини топаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, сафларимизни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ўзимизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Шу мақсадда нодавлат сектори корхоналарида касаба уюшма ташкилотларини тузиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ишонамизки, бу ўз натижасини беради.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Шу асосда хотин-қизлар манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, уларнинг меҳнат қилиши учун етарли шароит яратиш, меҳнат бозорида аёллар иштирокини кенгайтириш, тегишли имтиёзлар билан таъминлаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, болалари 3 ёшга тўлмаган 290 нафар ёш онага 42 млн. сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди. Нодавлат корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган 171 нафар ёш болали аёлларнинг маоши тўла сақланган ҳолда иш вақти 1 соатга қисқартирилишига эришилди.

Ўтган йилда ёрдамга муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳр-мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор берилди. Жамоа шартномалари асосида иш берувчилар маблағи ҳисобидан 3190 та эҳтиёжманд оилага 344 млн. 62 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган уй жиҳозлари хариди учун 68 ёш оилага 472 млн. 31 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг олий ўқув юртларида ўқиётган 126 нафар фарзандига шартнома тўловининг бир қисми, яъни 304 млн. 266 минг сўмдан зиёд маблағ тўланди. Тармоқ корхоналарида хизмат қилувчи кам даромад оила фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар сотиб олиш учун 1157 нафар болага 57 млн. 626 минг сўм сарфланди. Шунингдек, 439 та ёш оилага 63 млн. 317 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Буни яхши ҳис қилган касаба уюшма фаоллари корхона ва ташкилотларда янги иш ўринлари яратишга бош-қош бўлаяпти. Эътиборли томони, ўтган йилда касаба уюшмалари тасарруфида 17 нафар киши иш жойига эга бўлди. ҚРКУТБКга 144 нафар фуқаро ёзма, 347 нафар фуқаро оғзаки тарзда мурожаат қилган бўлиб, уларнинг аксарияти касаба уюшмалари аралашуви натижасида ижобий ечим топди. Шунингдек, бирлашма қошида ташкил этилган «Ишонч телефони»га 147 фуқаро томонидан қўнғироқ бўлди. Уларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 6 та шикоят юзасидан амалий чора кўрилди.

**И.Давлетмуратов, Марказий банкнинг Қорақалпоғистон бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари республикада озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи субъектлар, фермер хўжаликлари, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари учун кредитлар ажратишни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга 19 млрд. 266 млн. ҳамда коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 1 млрд. 701 млн., шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқлари учун 16 млрд. 912 млн. сўмлик кредитлар берилди. Натижада, минтақада 1364 та янги иш ўрни яратилди.

**М.Измуратов, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакили:**

— Таъкидлаш жоиз, Қорақалпоғистон шароитида бандлик масаласи катта аҳамиятга эга. Жумладан, Қўнғирот сода заводи, Сурғил кони негизидаги Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишига минглаб ишчи кучи зарурлигини эътиборга олсак, масала ойдинлашади. Бу, айни вақтда кадрлар малакасини жаҳон талаби даражасига кўтаришни тақозо этади. Ушбу жабҳада ишлашни хоҳловчи касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қайта тайёрлаш масаласини мумкин қадар тезроқ ҳал қилиш лозим.

**А.Абдуллаев, ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими етакчи мутахассиси:**

— Суҳбат асносида маълум бўлдики, нафақат Бош ва ҳудудий келишув субъектлари, балки ўзини мамлакатимиз тараққиёти ҳамда фуқароларнинг обод ва фаровон турмуши учун масъул деб билган ҳар бир раҳбару ходим бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат ҳаракат қилсагина кўзланган мақсадга эришилади. Ватан ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун эса Қорақалпоғистонда барча имкониятлар мавжуд.

Муҳокамалар асноси агросаноат тармоқлари, кичик бизнес субъектларида иш юритиш қоидаларининг бузилиш ҳолатлари мавжудлиги танқид остига олинди. Шу боис ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун жойларда ўқув-семинарлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари З.Ибрагимова иштирок этди.

**Файзулла САЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Меҳнат соҳасидага муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли котибият мудирлари, молия, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, прокуратура, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг ҳудудий бирлашмаси масъул ходимлари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этишди.**

# МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Камолиддин Оқбўтаев кириш сўз билан бошлаб берди.

Йиғилиш қатнашчилари Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа шартномаларининг амалдаги ҳолати, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг моддий ва маънавий рағбати, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг амалдаги кўриниши ва уларнинг тизимли ишлашини йўлга қўйиш борасида фикр билдиришди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими ўринбосари Баҳром Бўронов 2012 йилда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2013 йилнинг устувор вазифалари тўғрисида маъруза қилди. У Обод турмуш йили муносабати билан жамоа шартномаларида назарда тутилган хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу берди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ғ.Зокиров ёшлар масаласига тўхталди. Жумладан, уларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежларининг амалиёт ўтаётган ўқувчилари учун яратилган иш ўринлари барқарорлигини мониторинг қилишни кучайтириш, иш берувчиларга тегишли тавсияларни тақдим этиш ва ижросини таъминлаш борасидаги ишларни ташкил этишга эътиборни қаратди.

Давра суҳбатида жамоа шартномаларини муҳокама қилиш жараёнида барча корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш борасида келишиб олинди.

**Қ. ЭРНАЗАРОВ,**
**Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари**

Хотин-қизлар комиссияларида

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — АСОС

***«Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир». Президентимиз Ислом Каримовга тегишли бу сўзлар хотин-қизларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини тасдиқлаб турибди. Аёллар жамиятимиздаги муҳим жараёнларнинг фаол иштирокчиси. Улар қонун яратувчи — депутат, дардимизга малҳам бўлувчи — шифокор, меҳрибон мураббий, устоз, фермер, касаба уюшма етакчиси...***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига мувофиқ касаба уюшма ташкилотларида ташкил этилган Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти, айниқса, таҳсинга лойиқ.

— Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 22 та ишлаб чиқариш корхонаси, 53 та муассаса ва ташкилотларда аёллар учун белгиланган имтиёзларнинг жамоа шартномаларига киритилиши ва уларнинг амалга татбиқ этилишини ўргандик, — дейди Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулнорахон Абдуллаева. — Хусусан, зарур ва хавфсиз иш шароитларининг яратилиши масалалари юзасидан йўл қўйилган камчиликлар иш берувчилар вакиллари иштирокида ўтказилган мажлисларда муҳокама этилди. Шу билан бирга 260 нафар ногирон фарзанд тарбиялаётган, 1963 нафар ижтимоий ҳимоя талаб ҳамда 27634 нафар кўп болали аёлга иш берувчи ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 700 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг ташаббуси билан 150 дан зиёд корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликда, вилоятнинг чекка ҳудудларида жойлашган 31 та қишлоқ ва маҳаллада хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган учрашув ва давра суҳбатлари, 50 дан зиёд спорт тадбири, спартакиада ва турнирлар ташкил этилди. Шунингдек, хотин-қизлар спартакиадаси ва спорт фестиваллари ўтказилди.

Бирлашмага 2012 йил давомида аёллардан меҳнат қонунчилигига оид ва бошқа масалалар юзасидан тушган 26 та ёзма, 50 та оғзаки ва 50 дан зиёд «Ишонч телефони» орқали қилинган мурожаатлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Ноқонуний ишдан бўшатилган 9 нафар аёл ўз лавозимларига ишга тикланди. 6 нафар аёлнинг мурожаатига асосан 28 нафар ишловчи ходимга жами 7 427 233 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Комиссия томонидан ишловчи аёллар учун жамоа шартномалари орқали қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг яратилиши устидан ҳам жамоатчилик назорати ўрнатилган. Вилоятда меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассасаларнинг 98,5 фоизи, уларда ишлаётган ходимларнинг 99,1 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган бўлиб, жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга 391,8 минг сўм маблағ сарфланган ёки 2011 йилга нисбатан 124,5 фоизга ўсган. Жамоа шартномаларига киритилган тадбирларнинг 95,6 фоизи бажарилган бўлиб, шу мақсадлар учун 140,2 млрд. сўм миқдорида маблағ сарфланган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби (МКнинг 101-моддаси) 8884 та жамоа шартномаларига киритилган бўлиб, бу имтиёз 238 мингдан зиёд ишловчи аёлга татбиқ этилган. Жамоа шартномалари механизмларига асосан 8494 та хўжалик субъектларида 96628 нафар аёл узайтирилган ва 28525 нафар аёл қўшимча таътилдан фойдаланди. Шунингдек, 94 нафар талаба қизларнинг шартнома пулларининг бир қисми тўланиб, ушбу мақсад учун 86,7 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 1433 нафар ёш онага моддий ёрдам сифатида 64,1 млн. сўм тўланди. Нодавлат мулк шаклидаги 2091 та корхона ва ташкилотда ишлаётган 3263 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш ҳисобига 81,3 млн. сўм маблағ сарфланди. Кам таъминланган аёлларнинг 2695 нафар фарзанди учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар қийматини қоплашга 161,7 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Олтинкўл туман кенгаши тасарруфидаги ташкилот, муассасалар, Бўз туман пахта тозалаш ОАЖ қошида ташкил этилган трикотаж маҳсулотларини тикиш корхонаси, «Тешабоева Тўхтахон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, Андижон шаҳар 2-туғруқ комплексларида ишловчи хотин-қизларга яратилган меҳнат шароитлари, амалдаги жамоа шартномаларининг хотин-қизларга имтиёзлар яратишга қаратилган бандларининг ижроси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Обод турмуш йилида комиссия ишини жонлантириш, хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясини янада яхшилаш мақсадида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси 2013 йил учун белгилаб олган режа ва дастурлар ҳар қачонгидан кўламли бўлиб, асосийси, ушбу режаларнинг қоғозда қолиб кетмай, ўз вақтида амалга оширилишидир.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Маҳалла, оила ва жамият

***Халқ орасида «Саперная», «Госпитальная», «Кафанова» деб номланган, 1966 йил юз берган Тошкент зилзиласи туфайли аҳоли яшайдиган уйлар бузилиб, кўп қаватли бинолар қурила бошлаган бу жойлар Истиқлол туфайли яна ўзлигига қайтди. «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Талъат Шамсиев 2001 йилдан то ҳозиргача «Ўзбекистон» маҳалласига бош бўлиб келаяпти. У киши билан бугунги суҳбатимиз дунё институтлари ичида ноёб бўлган маҳалла институти ҳақида...***

# ОЛТИН БЕШИКДАГИ ҚАДРИЯТЛАР

— Халқимизнинг олтин бешигидаги қадриятлар маҳаллада камол топади, — дейди суҳбатдошимиз. — Қадимдан маҳаллада бир-бири учун бегона одам йўқ. Ҳали қуёш чиқиб улгурмасидан сулув келинчакларимиз маҳалла кўчаларини ўзининг ҳовлисини супургандек ораста қилади. Маҳалладошлар ҳар бир янги кунни бир-бирига саломдан бошлайди. Тўйларда, яхши-ёмон, кунларда бир-бирига камарбаста бўлиб туради. Бундай йиғинларда миллат ажратилмайди, элат ажратилмайди. Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг, жумладан, маҳалла ҳудудида яшаётган, турли миллат ва элатга мансуб юртдошларимизнинг барчаси жонжигарларимиздир. Бу қадриятлар бизга аждодларимиздан томирлардаги қонимиз билан оқиб келаётган беқиёс хазинадир. Бир оғиз сўз билан айтганда, маҳалланинг олтин дарвозаси қошида Ҳазрати Инсон туради.

Муҳтарам Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Албатта, Ўрта Осиё муҳитида жамоа, маҳалла бўлиб, бир-бирига оқибатли бўлиб яшайдиган инсонлар, давр қанчалик ўзгармасин, тарих синовидан ўтган ўз қадриятларига содиқ бўлиб яшашни маъқул кўрар экан, буни замонавий фикрлайдиган, дунёга теран назар ташлайдиган одам тўғри тушуниши, тан олиши ва уни ҳурмат билан қабул қилиши лозим», деб таъкидлайдилар.

Маҳалламиз ҳудудида 3 та кўча мавжуд. «Angles Food» ресторани, шунингдек, маҳалла фаоллари томонидан барпо этилган Шаҳрисабз кўчаси 5-уй олдидаги спорт майдончаси, озиқ-овқат дўкони ва «Диёр» мебеллар уйи, хусусий боғча, Кредит «Стандарт банк», «Дента люкс» стоматология хизмати, «Авиакасса», «Соғлом ҳаёт», «Дукат», «Беш-ёғоч», «FEBERLIK», «ROYSON» фирмалари мавжуд.

**— Юқорида маҳалладаги спорт майдончаси хусусида ҳам сўз юритдингиз... Умуман, маҳалла, ёшлар, спорт, миллий қадриятлар тушунчасини изоҳлаб ўтсангиз...**

— Маҳалла фаоллари ва ота-оналар, устоз ва мураббийлар, кексаларимиз ҳамиша ёшлар билан бир тану бир жон. «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди доно халқимиз. Маҳалламизда дуогўй, табаррук инсон Иноятхон ая Мирқодирова, Муфарраҳхон ая каби азиз онахонларимиз ибратли умри билан ҳаммага ибрат. Маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган халқ ардоғидаги машҳур инсонлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ғайрат Убайдуллаев, Алишер Мадраҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Замира Раҳматуллаева, раққоса Гулмира Ширинова, «Шуҳрат» медали соҳиби Саидаҳмад Мирдадаев, «Олмон-ўзбек» илмий жамияти раиси, олмоншунос олим, профессор Хуррам Раҳимов, режиссёр Абдумажид Муҳаммадиев ва бошқалар ҳам ёшларимизнинг маънавиятли, маърифатли бўлиб камол топишида, миллий қадриятини, миллий ўзлигини теран англаб, она-Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиши йўлида ўз тажриба ва маслаҳатларини аямаяпти.

Диний ақидапарастлик, халқаро терроризм, одам савдоси каби жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб келаётган муаммоларнинг туб моҳиятида қандай ғаразли мақсадлар тургани ҳақидаги суҳбатлар ёшларни ҳушёр торттирмоқда. Шунингдек, ёшларнинг СПИД чоҳига тушиб қолмаслиги, бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари Миробод тумани Марказий шифохонасининг шифокорлари томонидан ҳар ҳафтада ташкил қилинаётган суҳбатларда очиқ-ойдин тушунтириб борилмоқда. Спортчиларимиздан сузиш бўйича Умидилла Хайруллаев, каратэ бўйича Абдураҳмон Мирдадаев, дзюдо бўйича Шоҳрух Қўчқоров ва бошқалар мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб, Ватан байроғини баланд кўтармоқда.

**— 2013 йилнинг баҳори эшик қоқиб кириб келди. Баҳор билан бирга хотиралар, миллий қадриятларимиз янада яшариб, яшнаб, гуркираб қалбимизни уйғотаверади. Беихтиёр маҳалламизнинг биринчи оқсоқоли Пўлат ака Солмонов ёдга тушади. У пайтда эндигина кўп қаватли уйларга кўчиб келган вақтимиз, ҳали бир-биримизни танимаган пайтларимиз эди. Ҳатто маҳалла учун идора ҳам йўқ эди...**

— Пўлат ака Солмонов Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасида (ўша пайтда шундай юритиларди) масъул лавозимда ишлар эди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқароларимизнинг бошини қовуштирди. 2001 йилгача ҳам давлат ишида, ҳам маҳаллада ишлади. Афсуски, дард устунлик қилди. Улардан ёруғ хотира қолди. Раҳматлик Асад ака, Сотволди ака каби маҳалладошларимиз ҳам маҳалла учун ҳамиша савоб ишларга бош-қош бўлишарди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Кимёхон Хўжаева... Маҳалла аҳли ҳозиргача уларни эслайди. Фарзандлари ҳам ота-оналари каби эл хизматида.

Аммо ҳаёт давом этаверади. Муҳими, меҳр-оқибатнинг бардавомлигидир. Йил бўйи барча байрамлар ўзига хос шукуҳ билан нишонланади. Ётиб қолган ёлғиз қариялар, беморлар йўқланади.

Маҳалламизда кичкина бозорча бор: ҳафтада бир марта тухум савдоси, ҳар куни эрталаб соат 8.00 дан 10.00 гача сут ва сут маҳсулотлари сотишни ташкил қилганмиз.

Миллий қадриятларимизнинг яна бир кумуш устуни ҳашар. Баҳор келиши билан ободонлаштириш ишлари жонланиб кетади. Қуриган дарахтлар кесилади. Йўлаклар тозаланади. Дарахтлар оқланади. Маҳалламизда ҳар йили Умумхалқ ҳашарида юзлаб маҳалладошларимиз иштирок этади. Гул кўчатлари экилади. Икки ёшгача боласи бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам берилади. Дошқозонларда сумалак қайнайди. Эрта тонгдан кексаларимиз юрт тинчлигини сўраб, дошқозон тагига олов ёқар экан, то сумалак пишгунча шу кўп қаватли уйда яшовчи маҳалладошларимиз бири кўк чучвара, бири кўк сомса, бири суюқ, бири қуюқ овқат, ширинликлар тайёрлаб чиқаради. Замирахоннинг дилбар қўшиқлари ҳар йили фуқароларимизни хушнуд қилади. Жажжи гўдаклардан тортиб, баҳоргача етиб келган кексаларимизнинг шукроналик ўйинларини томоша қилишнинг ўзи бир бахт. Бундай мўъжизалар ўзбек маҳаллаларигагина хосдир.

**— Маҳаллада Яраштирув комиссияларига ҳам иш топиладими?**

— Ҳаёт беташвиш бўлмайди. Ўтган йили иккита оила ажралиш учун ариза ёзди. Битта оилани яраштирдик, бошқасига ярашиш учун вақт бердик. Оилалар таҳлили бўйича 125 дан ортиқ оила билан суҳбат ўтказилди. Кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўтган йили 5.689.740 сўм миқдорида, икки ёшгача боласи бор, ўзи ишламайдиган оилаларга 3.896.520 сўм миқдорида ёрдам берилди.

**— «Ота-оналар кўпинча «тарбия» билан «маълумот» тушунчаларини алмаштириб қўядилар-да, фарзандларига бир неча нарсаларнинг номини ўргатиб, шу билан уларга тарбия бердик деб ўйлайдилар. Кейинчалик уларнинг фарзандларидан кўнгли қолиб юришларига мана шу янглишувлар сабаб бўлади», — дейди донишмандларимиздан бири. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз...**

— Халқимизда «нима эксанг, шуни ўрасан» деган мақол бор. Биз — маҳалла фаоллари, 1995 йилдан бери ишлаб келаётган, маҳалланинг «ўз» одамига айланган Ички ишлар профилактика катта нозири Самариддин Зайнитдинов билан биргаликда оилаларга оид масалаларга эътибор қаратганимизда айрим ота-оналарнинг ўзи оила тушунчасига, бола тарбиясига панжа ортидан қараётганининг гувоҳи бўламиз. Яқинда бир эр-хотин олдимга келиб, муросаи-мадора қилолмаётганини, эркак айни пайтда бошқасига кўнгил қўйганини(эркак 55 ёшда), ундан болалар изтироб чекишаётганини айтиб қолишди. Узоқ тушунтиришлардан сўнг оила яна ўз томирига — болаларига қайтди. Биз ҳам бироз хотиржам бўлдик, чунки Оила, Маҳалла, Мактаб бир-бирига қуйиладиган дарёлар. Улар халқ маънавиятини, миллий қадриятлари томирига абадий зилол бахш этиб туради. Ишончим комилки, маҳаллаларимиз бор экан, халқимиз ҳар қандай маънавий таҳдидлардан холи яшайди.

**Суҳбатдош:**
**Шарифа САЛИМОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## КИТОБ БАЙРАМИ



***Наманган давлат университетида «Маънавият ҳафталиги» доирасида бадиий китоблар тарғиботига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда талаба ёшлар, таниқли адиблар, адабиётшунослар ва илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда «оммавий маданият» таҳдидидан мустаҳкам ҳимояланишда юксак бадиий қийматга эга асарларни ўқиб-ўрганиш, бунда айниқса, ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбир доирасида янги китоблар тақдимоти ўтказилди.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

Ижтимоий шерикларимиз фаолиятидан

# ТАДБИРКОР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

***Вилоятимизда хусусий секторнинг изчил ривожланиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида жанубий воҳа қишлоқларида ҳам хусусий сектор тараққий топиб, замонавий технология билан жиҳозланган корхоналар барпо этилаётир. Сервис ва хизмат кўрсатиш йилдан-йилга юксалмоқда. Аҳоли реал даромадли иш билан таъминланяпти. Ўтган йил вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 73,8 фоизни ташкил этди.***

Тадбиркорларни ўқитиш, қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш, малакасини ошириш бизнесни юритишда муҳим саналади. Шунга мувофиқ воҳамиздаги тадбиркорлик субъектлари учун «Бизнес режалар ишлаб чиқиш», «Фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш», «1С Бухгалтерия ҳисоботини юритиш», «Биржалар орқали олди-сотди хизматларни кўрсатиш»,«Сертификат, лицензия, рухсатнома ва патент олишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш», «Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш», «Ҳакамлик судида иш юритиш, ҳакамлик муҳокамасига оид процессуал ҳолатлар», «USTO» миллий дастури», «Кредит, лизинг ва суғурта масалалари» каби мавзуларда ўқувлар ташкил қилинди.

Хусусий сектор жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда Палата аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ўтган йил бошқармамизга палата аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларидан икки минг 820 та мурожаат келиб тушди. Ҳуқуқшуносларимиз уларни ўрганиб, қарздорликни ундириш бўйича хўжалик ва фуқаролик судларига 2746 та даъво аризаси киритди. Шу кунгача судларнинг қарорига асосан 2262 та даъво аризаси қаноатлантирилди. Икки миллиард 300 миллион сўмлик мурожаатлар судгача келишув асосида ҳал этилди. Айни пайтда 484 та даъво аризаси судларда кўриляпти. Президентимиз томонидан 2008 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ташкил этилган «Жамоатчилик кенгаши» ўрнатган «Ишонч қутилари»дан йил давомида 74 та мурожаат олинди ва улар атрофлича ўрганилиб, муаммолар ечимини топишда кўмаклашилди. Масалан, Денов туманидаги «Само юлдузи Денов» савдо ишлаб чиқариш корхонаси (ғишт ишлаб чиқариш ускунасини олиб келиши учун), Термиз шаҳридаги «Сурхондарё савдо импекс» масъулияти чекланган жамияти (вафли, печенье ишлаб чиқариш ускунасини олиб келиши учун) шулар сирасидандир.

Ишонч телефонига келган 9 та оғзаки мурожаатдан олтитасида тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш масалалари кўтарилган. Учтасида тадбиркорларга турли соҳаларда тўсиқ бўлаётган муаммолар ечимини топишда ёрдам сўралган. Бундан ташқари, баъзи тадбиркорлар соҳани ривожлантиришга оид ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этган. Назорат қилувчи органларнинг режали ва режадан ташқари текширишларида малакали ходимларимиз иштирок этиб, палата аъзоси бўлган тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Шаҳар, туман марказларида ташкил этилаётган «Очиқ эшиклар кунлари» ҳам соҳада дуч келинаётган муаммолар ечимини топишда яхши самара бераётир. Ўтган йил жойларда ўтказилган ана шундай учрашувларда 3402 тадбиркорлик субъекти иштирок этиб, 274 та масала ўртага ташланди ва улар ҳудуддаги тегишли назорат органлари ҳамда идоралар томонидан ҳал этилди.

Бошқа жойларда бўлгани сингари бизнинг воҳада ҳам арзон ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Қишлоқларда турли соҳага йўналтирилган замонавий корхоналар барпо этилиб, аҳоли бандлиги таъминланяпти. Бошқармамиз тадбиркорларнинг чет элларга ташрифини уюштириб, уларнинг хориж минитехнологияси ҳамда бошқа ускуналарни олиб келишига кўмаклашяпти. Европа ва Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ва Ташқи савдо департаменти билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Ўтган йил Истанбулда ўтказилган халқаро текстил ва енгил саноат кўргазма-ярмаркасида икки нафар ишбилармонимиз иштирок этиб, жаҳон бозорида рақобатбардош текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини харид қилиш бўйича шартнома тузиб қайтди. 20 нафар тадбиркор Хитой Халқ Республикасида бўлиб, Пекин, Гуанчжоу, Шанхай каби йирик шаҳарларда тажриба алмашди. Сафар давомида 13 нафар тадбиркор катта қийматдаги минитехнология ва ускуналарни сотиб олиш юзасидан келишув баённомалари тузди. Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирлиги, савдо-иқтисодий алоқалар вакиллари билан музокаралар олиб борилиб, иккала давлатда ҳам тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг кўргазма-ярмаркаларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Обод турмуш йилида ҳам режаларимиз катта. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови уюштирилади. Тадбиркорлар ва фермерлар вакиллари Корея, Хитой, Вьетнамга хизмат сафарларига юборилади. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти эксперти билан вилоятда ташқи ҳамда ички туризмни ривожлантириш бўйича семинар ва ўқув курслари ташкил этилади. Вилоят иқтисодиёт бошқармаси, вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар бошқармаси билан ҳамкорликда хусусий секторда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг доимий кўргазмаси ўтказилади.

**Тўра БОБОЛОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи**

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СИРДАРЁ-СЎХ» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объект номи: ЛОТ 9

**ЛОТ 9.1. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Жанубий» (2-навбат) хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=175,0 км)».**

*Бошланғич нархи* — **1 291 737 132 сўм ҚҚС сиз.**

*Топшириш муддати* — **13 ой.**

**ЛОТ 9.2. «Фарғона-вилояти, Фурқат туманидаги «Д-1» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=198,148 км) ».**

*Бошланғич нархи* — **1 140 538 653 сўм ҚҚС сиз.**

*Топшириш муддати* — **12 ой.**

Буюртмачи: «Сирдарё-Сўх» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй, тел:224-27-50, 224-27-75.

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 35%.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 8-373-224-18-71.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй манзилида ўтказилади.*

**Хизматлар лицензияланган**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объект номи: ЛОТ-1

**1-1 «Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар, Ёрмазор мавзеси (Фарғона тери заводи) ҳудудидаги кўприкни реконструкция ишлари».**

*Муддати* — **20.08.2013 йил.**

*Бошланғич нархи* — **234 214 740 сўм ҚҚС билан ва 195 178 950 сўм ҚҚС сиз.**

**1-2 «Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар, Ёрмазор мавзеси (мўлжал Шаршара-1) ҳудудидаги кўприкни реконструкция ишлари».**

*Муддати* — **20.08.2013 йил.**

*Бошланғич нархи* — **262 283 917 сўм ҚҚС билан ва 218 569 931 сўм ҚҚС сиз.**

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси 37, тел: (373) 224-24-33.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет, йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ва чораклар давомида даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакаға, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 276-25-48.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри,Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган**

# ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЗВИЙЛИГИ



***Бухоро вилоят марказида тиббиёт коллежларида тайёрланаётган мутахассисларнинг амалиёт жараёнларини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.***

Тадбирда вилоят илмий жамоатчилиги вакиллари, тажрибали шифокор ва ҳамширалар, соҳа педагоглари, тиббиёт коллежлари ўқувчилари қатнашди. Тиббий таълим масканларида тайёрланаётган мутахассисларнинг амалиёт жараёнларини самарали ташкил этиш, бунда айниқса «Устоз-шогирд» анъанасидан кенг фойдаланиш етук кадрларни камол топтиришда устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбир доирасида Бухоро тиббиёт коллежида тажрибали шифокор ва ҳамширалар иштирокида амалий дарслар ташкил этилди.

**Суратда: Бухоро тиббиёт коллежида ташкил этилган дарс жараёни.**

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

Ибрат

# АЗИЗ НЕЪМАТ



***Ҳар қандай шоҳона таом ҳам нонниң ўрнини боса олмайди. Негаки, унинг таркибида инсон организми учун ниҳоятда зарур ва фойдали бўлган 30-35 фоиз оқсил, 60-70 фоиз углеводлар, клетчатка, турли витаминлар, минерал тузлар, шунингдек, темир, калций, фосфор ва бошқа моддалар бор.***

## Тарихга бир назар

Тарихнинг гувоҳлик беришича, нонниң кашф қилиниши узоқ даврларга бориб тақалади. Дастлаб бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг пишган дон уқаланиб истеъмол қилинган. Ёрғучоқ пайдо бўлгач, ғалладан ун тайёрлаш ва хамир қориб қуритилгач тош устига ёки кўрга кўмиб нон пишириш одат тусига кирган. Хамиртуруш кашф этилиши билан ўчоқ, тандир, това ва бошқа воситалар билан нон тайёрлана бошланган. Асрлар давомида новвойлар маҳоратининг ортиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида оби, гижда, патир ва ширмой нонларнинг ўнлаб хиллари дастурхонни безади. Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарёда оби, яккафо, гахсаки, нони заргарон, хиндуги, фатири қашқари, тафтон, нони тароқи, осиёий, кулчаи равғанин, оби жимжима, кулободи, ширмойи седана пайванд, лаваш, чурек, уй нони, давра қўшалоқ, барака кулча, куёв ширмой, кунжутли оби нон сингари хилма-хил ва бир-биридан тотли нонлар юзага келди. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Хоразм вилоятларида нонниң биз кўрмаган, ҳатто эшитмаган ўнлаб турлари мавжуд.

Ўз-ўзидан маълумки, нонга бўлган катта эҳтиёжни хусусий ишлаб чиқариш усули билан қондириш мушкул. Шу боис ҳам кейинчалик уни саноат усулида тайёрлаш авж олди. Айни вақтда новвойхоналар сафига ўнлаб нон заводлари, комбинатлари, бирлашмалари қўшилди. Нон тайёрлашнинг поток усуллари ўзлаштирилди.

## Ун гарди

Биз болалар дарсдан кейин, айрим пайтларда дарсдан қолиб ҳам тегирмон атрофида уймалашар, қўлимизга ним коса ёхуд жом олиб, каваклар, том бурчакларидан ун гардини йиғардик. Оналаримиз уни дарҳол қориб, зувалага арзигулик бўлса қотирма, арзимаса кўз ёшидек ёғ қиздириб атала қилиб берарди. Ҳарна-да, бир кун ўтгани ўтган... Бугунги ёшлар, «так-так» ва «бошоқ»ни кўпам фарқламаганидек, ун гарди деган ибора қулоқларига ажабтовур эшитилиши аниқ. Аслини олганда, бу унчалар ҳам узоқ тарих эмас.

## Чармгар тегирмони

Йигирманчи асрнинг ўрталари. Қарши шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудида Бешкент ариғи аталиб, аслида анча-мунча канал билан тенг келадиган, ҳатто уни ортда қолдирадиган ариқ сувга тўлиб, шарқираб оқарди. Чармгар маҳалласидаги, вилоятда ягона бўлган, ўша машъум уруш йиллари неча-неча минг, миллионлаб инсонларни ўлимдан асраб қолган беш тошли тегирмон новларини ана шу ариқ оби-ҳаёти ҳаракатга келтирарди. Туманларда ўнлаб майда-майда сув тегирмонлари мавжуд эди. Аммо узоқ Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи туманларидаги колхоз ва совхозлар ҳам навбатма-навбат қоплару қанорларга жойлаб келган ғаллаларини тортиб, ун қилиб кетишарди. Атрофга тарқаладиган кўзга кўринмас кичик ун заррачалари тегирмон туйнуклари, яқин атрофдаги томларда тўпланар, болалар уни сидириб олиб қўлларидаги идишларни тўлдиришарди. Афсуски, қаҳатчилик йиллари нафақат ун, балки ун гарди билан минглаб оч-наҳор, бева-бечораларга мадор бўлган тегирмоннинг бирор кичик бўлаги тарих сифатида асраб қолинмаган... Бешкент ариғини тиклаш, унга умр бахш этиш нияти ҳали ҳам тамоман сўнгани йўқ. Дастлабки саъй-ҳаракатлар бўлди ҳам. Лекин имкон даражасида «бетон кўйлаклар» кийгизиб тортилган ариқчалар, ундан беш-ўн кунда жилдираб оқадиган сув билан сира муддао ҳосил бўлмаслиги тайин.

## Хислат

Қарияларимиз дуога қўл очганда ҳамиша Аллоҳдан тинчлик-хотиржамликни тилайди. Ҳа, тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканини урушда жон олиб, жон берганлар, фронт орқасида бир бурда нонга зор бўлиб, ҳатто ҳаёт билан видолашганларни кўрган ёши улуғлар яхши билади. Бутун юмуш хотин-халаж, ўсмирлар қўлида қолганда ҳам олийҳиммат одамларимиз хайр-эҳсон, савоб ва эзгуликни унутмаган. Ўзлари оч-юпун бўла туриб, қўлларига илинган яроқли кийим-бош, даладан йиғиштирган ғаллаларини бошоғигача фронтга жўнатганлар.

Ўша пайтларда киши бошига ўлчаб нон берилarди. Юзидан ўргилай, уни сира нон деб бўлмас, сиққанда бир сиқим қора балчиқдек хамирга айланиб қоларди. Нон хонадон аъзолари сонига қараб бўлакларга бўлиниб, айрим оилаларга тарозига тортилиб тенг тақсимланар, уни ҳар ким ўз хоҳишича, хоҳласа бир марта, хоҳласа уч бўлиб истеъмол қиларди. Опам дўкондан олиб келган нонни тақсимлаб, ҳар ким ўз улушини олиб, бир бўлагини еб, қолган қисмини яширганда раҳматли момом кириб келди. Онам кўрпача ёзди ва дастурхон устидаги ўз улушларини уч-тўрт бўлакка бўлиб «олинг, онажон» деб илтифот қилди. Момом шўрлик боламнинг ризқига зиён бўлмасин, деган истиҳолада: «ҳозиргина овқатланган эдим, болам», деб дастурхоннинг бир бурчагини буклаб ёпган бўлди. Онам бунинг боисини дарҳол англади ва қайта-қайта илтимос қилиб бир бўлагини зўрлаб едирди. Шу пайт Украинадан кўчирилган ва уйимизга жойлаштирилган Вова билан Таня кириб келиб, дастурхон устидаги уч бўлак нонни кўриб ютинди. Онам кўзига ёш олиб: «енглар, шўрлик болаларим», деб нонниң икки бўлагини уларга узатди. Биз опа-укалар улушимиздан бир бўлагини «ўзларинг енглар?!», дейишига қарамай, онамизга илиндик.

Ана шундай, бир бурда нон нақадар азиз бўлган очарчилик йилларида ҳам халқимиз меҳр-муҳаббат, шафқат, ҳимоя, эзгуликни унутмаган эди. Халқимизга хос бу инсоний хислатлар онамизга ота-оналаридан, бизга эса улардан кўчгани аниқ. Биз ҳам боболаримиз урф-одатларини эъзозлаб, нонниң ҳар ушоғини кўзимизга суртайлик.

**Қудрат ЭГАМБЕРДИЕВ**

Маданият

# «ФАРҲОД» – ҚИРЧИЛЛАМА ЁШДА

**Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Фарҳод» маданият саройининг 40 йиллиги муносабати билан«Ширин» халқ рақс ансамбли концерт намойиш этди.**

—Халқ рақс ансамблимиз ташкил топганига ҳам 35 йил бўлди, — дейди комбинат бирлашган касаба уюшма кенгаши раиси Исроил Раҳматов. — Ўтган даврда ижодий жамоа республика миқёсида ҳамда қатор халқаро танловларда иштирок этиб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳозирда ансамбл таркибида 5 та гуруҳ фаолият кўрсатаётир. Уларда 5 ёшдан 24 ёшгача бўлган 300 нафарга яқин иштирокчи турли миллат рақсларини зўр маҳорат билан ижро этмоқда.

«Дутор», «Тўёна», «Фалак», «Билмасман», «Тановор», «Дилхирож», «Лазги», «Бухоро маликалари», «Беш гўзал» оммавий рақслари ва бошқа саҳна кўринишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**М.АЛОВУДДИНОВ**

Тадбир

# ТАБИАТ – БИЗНИНГ УЙИМИЗ

**Марғилон шаҳридаги 2-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби шаҳар экология жамияти билан ҳамкорликда «Табиат – бизнинг уйимиз» мавзуида тадбир ўтказди.**

Таълим муассасасида фаолият юритаётган «Экология» тўгараги расмлар кўргазмаси, саҳна кўринишлари орқали она табиатни асраб-авайлашга барчанинг эътиборини қаратди.

— Ёшларнинг табиатга оқилона муносабатини юксалтиришга ҳаракат қилаяпмиз, — деди мактаб раҳбари, Халқ таълими аълочиси Муҳтарамхон Мирзаева.

— Ўқувчилардан Севара Йўлдошева, Умида Набиева, Жавоҳир Қосимов, Эгамберди Жўраев, Муҳаммадазиз Абдусалиевлар ер, сув, пахта, буғдой ва турли меваларга таъриф беришди. Она — табиатни мадҳ этувчи қўшиқ, топишмоқ ва халқ мақоллари айтилди.

Энг зукко ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Юртинг обод — дилинг обод

***Туман аҳли аллақачон ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини бошлаб юборди. 52 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, корхона, ташкилотлар атрофлари, йўл бўйларига 5200 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.***

# БОҒОТ БАҲОРИ

Бу ҳаммаси эмас. Туман ободонлаштириш бошқармаси иссиқхонасида етиштирилган 20 000 туп пекуня, 10 000 туп селвия, 20 000 туп райҳон гуллари ва 2000 туп манзарали дарахт кўчатлари ҳам тез орада йўл бўйлари, идора ва ташкилотлар олди ҳамда маҳаллаларда ўз гўзаллигини кўз-кўз қила бошлайди.

— Ободонлаштириш тадбирларида касаба уюшма аъзолари фаол иштирок этишмоқда, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ширин Юсупова. — Биз «Обод турмуш йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида қишлоқларимиз кўркамлигини таъминлашга амалий кўмак ҳам бераяпмиз. Ҳар куни ишдан кейин ҳашарлар ташкил қилинмоқда. Зеро, баҳор гўзаллик ва нафосат фасли. Бу фаслга фақат озодалик, орасталик ярашади.

**Ўз мухбиримиз**

Муҳокама учун мавзу

# КЕЛИН КЎЙЛАК

## унга муносабатингиз қандай?

***Тараққиёт ғилдираги шиддатига ҳамоҳанг равишда одамлар дунёқарашида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлиши табиий. Аммо кўз кўникиб, кўнгил кўниколмайдиган баъзи жиҳатлар борки, булар аслида бизни хавотирга солиши керак.***

Ҳозир, маълумки, хориж расм-русумларига монанд елка ва орқа қисми очиқ, пастидан эса бир метр ортиқча мато осилиб юрадиган никоҳ кўйлаклари урф бўлган. Улар гапирмайман деганни ҳам гапиртиради. Биров бу кўйлакка ҳавас билан қараса, бошқаси шарқона услубга бутунлай зид, дейди. Аммо кўзни қамаштирадиган жимжимадор кўйлаклар қайси қизга ёқмайди, дейсиз. Бунинг устига қаерга қараманг, ана шу никоҳ кўйлаклари рекламаси.

Маълумки, тўйда етти ёшдан етмиш ёшгача қариндош-уруғ йиғилади. Уларнинг кўз ўнгида келин очиқ-сочиқ оқ либосда пайдо бўлади... Аксига олиб ҳозир келинларнинг кўпчилиги бошига елкани ёпиб турадиган ҳарир ёпинчиқни ҳам илмай қўйган. Кимдир унинг бундай кўринишидан уялиб, ерга қарайди, кимдир кўз узолмайди. Хуллас, бироз ноқулай вазият пайдо бўлади.

Фикримизга ҳаммаям қўшилмаслиги мумкин. Хўш, нима бўпти, замонга қараб иш тутади-да, деб лабини бурадиганлар ҳам топилади.

Агар замонни шу тарзда, ўз чегара билмас қизиқишларимиз туфайли ўзгартириб турсак... охири бахайр бўлармикан?..

Тўғри, тўй инсон ҳаётида ўчмас из қолдирадиган тадбир. Ҳаётида янги саҳифа очиладиган бу кунда ҳамма қизлар гўзал, бетакрор бўлишни исташади. Аммо бунга фақат ярим очиқ кийим билан эмас, бежирим шарқона миллий либослар орқали ҳам эришиш мумкин-ку! Аввало, тўй либосини танлашда фикру хаёли энг сўнгги урфдаги кўйлакда бўлган қизларнинг орини уйғотувчи яхши маслаҳатчи керак, назаримда. Одатда қизлар ё бўлажак турмуш ўртоғи ёки оиланинг бирор каттаси билан бирга чиқиб келин либосини танлашади. Шундай пайтда юзлаб, турлича қарашга эга ёт нигоҳлардан навниҳол келинчакни асраш ҳақида ҳам ўйлаш лозим. Ёмон кўзлардан асрасин, деб бекорга айтишмаган. Момоларимиз ўгити бўйича «қиз болани қоғозга ўралган қанддай асраб, эгасига топширишган». Афсуски, юз хил ташвиш билан юрган тўй эгаларининг барчаси ҳам бундай фикрни хаёлидан ўтказади, деб бўлмайди. Ташвишлар тиқилинчида бўлғуси келинга «Э, нима танласанг, танла!» деб қўймасдан, аввало, миллийликни ҳисобга олиб, маслаҳат бериш даркор.

— Бу масалада кўп тарғибот олиб борганмиз. Хусусан, ўтган йили Фонд-форум томонидан ташкил этилган лойиҳа бўйича ўтказилган никоҳ тўйларида келинларга миллий либос — атлас кўйлакларда чиқишни таклиф этгандик, — дейди Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Ўроқова. — Аммо... Барибир замонавий оқ либосларга талаб катта. Коллежлар ўқувчи қизлари ҳамда ҳудудимиздаги тикувчи-дизайнерлар томонидан миллий келин либослари яратиш таклифини ҳам киритганмиз. Айни пайтда бунга эришаётган уста тикувчилар ҳам бор. Фақат уларга талаб биз кутган даражада эмас. Демак, тарғиботни янада кучайтириш зарур.

Жилдираб оқадиган сув ҳам вақт ўтиб, тошни емиришини унутмайлик. Ёшлар қалбида қадриятларимизни асраб-авайлаш, урф-одатларимизга ҳурмат билан қараш туйғусини шакллантириш ана шундай оддий кийинишу юриш-туриш сабоғидан бошланади.

Матбуот — турлича фикрларни тўплаб, ягона маслакка эришиш учун хизмат қиладиган минбар. Шу минбардан туриб айтмоқчи бўлганим, ушбу йўналишда иш олиб борувчи ишбилармонлар, тадбиркорлар, дизайнерлар ва бошқа мутасаддилар миллийлик билан замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда ўзимизга хос ва мос тарзда келинлар учун тўй либослари яратиши ҳамда уларни чиройли реклама қилиши мумкин эмасми?! Балки шунда уларга интиладиган ёшлар сони ортар, тўйдаги ноқулай вазиятлар ҳам барҳам топиб, келин ўз ибоси-ю куёв ғурури билан тантанани безаб турар! Наҳотки, тикувчи-дизайнерлар ўртасида айнан ушбу масалада танлов ташкил этиб, ғолибларнинг ишларини оммалаштириш мумкин эмас?



Хуллас, мазкур масала бўйича бўлажак келинлар ҳамда жамоатчилик фикри, ўйлайманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

**Холида ФАЙЗИЕВА, журналист**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev

Navbatchi: N.Mahamov

Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 311

21711 nusxada bosildi

1 2 3 5